

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ

мавзусидаги Республика миқёсидаги
хорижий олимлар иштирокида
онлайн илмий-амалий анжуман

ТЎПЛАМИ

Бухоро, 2020 йил 17-18 декабрь



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЭКОЛОГИК
МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ**
мавзусидаги Республика миқёсидаги хорижий олимлар иштирокида
онлайн илмий-амалий анжуман

ТЎПЛАМИ

Бухоро, 2020 йил 17-18 декабрь

БУХОРО – 2020

О.В.Мячина, А.Т.Алиев, А.Х.Рахмонов, О.С.Нарзуллаев, Р.Н.Ким, С.А.Буриева. Структура почвенных микробных сообществ как индикатор экологического состояния почвы.	244
Г.Ф.Хамроев, С.Тўраева. Бухоро вилояти шароитида тупроқ юза қатламини текислаб зичловчи қурилма тавсифи.	247
М.А.Алибоева, З.А.Жаббаров, М.Ф. Фахрутдинова. Тоғ ва тоғ олди худуди тупроқларининг экологик ҳолати ва уни яхшилаш йўллари.	250
А.И. Баранов, В.И. Титова. Влияние сапропеля на агрохимическую характеристику светло-серой лесной легкосуглинистой почвы.	252
М. Турғунов Д.Эргашев, М.Муталибхонова, М.Азимжонова. Тупроқ ва атроф муҳит муҳофазасида беданинг ахамияти.	254
Н.Н.Қаландаров, А.Дўсалиев, А.Ж.Исмонов. Қизилқум чўлининг сугориладиган сур-қўнғир ва сур қўнғир-ўтлоқи тупроқлари.	256
Т.У.Рахимов С.Ш.Юлдашева <i>Taraxacum kok-saghyz rodin</i> ва <i>Taraxacum officinalis wigg.</i> ўсимликларнинг лаборатория шароитида уруг унувчанлигини солиштириб ўрганиш.	259
А.Б.Мирзамбетов., А.У.Ахмедов., Ж.М. Турдалиев., Н.Х. Бурханова Қорақалпоғистон тупроқларининг мелиоратив-экологик ҳолатига таъсир қилувчи асосий омиллар.	264
С.С.Хайриев С.С.Мамуров, М.М. Пардаева. Маданий ўғитларни қўллашнинг экологик муаммолари ва уларнинг ечимлари.	268
Н.Р.Маллаев. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш - долзарб масала.	269
О.Х.Нарзуллаев. Экология кодекси: назария ва амалиёт интеграцияси.	272
С.А., Абдуллаев, З.А.Жаббаров Ў.Олтибоева, М.Ш. Шомансурова. Каттақўрғон сув омбори атрофида тарқалган тупроқларнинг мелиоратив-экологик ҳолати ва уларни бошқариш масалалари.	274
З.А.Жаббаров, Г.Р.Атоева. Сугориладиган тупроқларнинг маиший чиқиндилар билан ифлосланиши ва хоссаларининг ўзгариши.	278
С.Н.Холикова. Влияние промышленных отходов на окружающую среду.	279
Ш.Б.Адизов, Р.М.Музафаров. Бухоро вилояти деҳқон хўжалиги ва аҳоли томорка ерларидан самарали фойдаланиш мақсадида экиладиган экинларнинг таҳлили.	281
Г.С.Содиқова, А.Ш.Махкамова, Э.Т.Қодиров. Сугориладиган типик бўз тупроқларда биологик жараёнларни ўрганиш.	284
Г.Т. Джалилова, Д.А. Игамбердиева, Ф.А. Маматкулова. Эрозияга ҳавфи бор ерларни аниқлашда NDVI - ўсимликларнинг меъёрийлаштирилган нисбий индексидан фойдаланиш.	286
О.Ж.Холмўминова. Маҳаллада экологик ҳуқуқий тарбия беришнинг ўзига хос хусусиятлари	289
Н.К.Скрипников, Ш.О.Ахмедова. Проблемы реализации закона об экологическом контроле.	292
Н.Н.Тўраева, М.О.Ядгарова. Бухоро вилоятида тупроқлар деградацияси ва унга қарши кураш тадбирлари ва тупроқ муҳофазаси.	294
Д.М.Холдаров, Г.Г.Шодиева, Ш.С.Ибрагимова. Марказий Фарғона шўрхоқларининг огир металллар билан ифлосланиши муаммолари.	296
Х.Ш.Мейлиева, С.Омонова. Қашқадарё вилояти тупроқлари, уларнинг мелиоратив-экологик ҳолатини бошқариш йўллари.	298
Ш.Бобомуродов, Х.Намазов, Ю.Кораханова. Исследование методов моделирования динамики геозкоосистем почв Узбекистана.	301
Х.Н. Каримов, З.З.Узаков, Ж.Хушмуродов, Н.Нурметов. Сугориладиган ўтлоқи-бўз тупроқларнинг агрокимёвий ҳолати.	303
Р.С.Тошбоева. Табиий ресурслар кадастрига оид конунчиликни такомиллаштириш масалалари.	305
С.С.Шадиева ГАТ самарадор технология.	308
А.В.Братусь., Л.Ш.Эгамбердиева. Проблемы и перспективы развития экологического туризма.	310
Ш.Я.Сатторов, Ф.Шарипова. Дала кодлаш натижасини Autocad civil 3d дастурли	312

устранению и профилактике допускаемых нарушений и привлекает виновных лиц к ответственности;

выявляет неиспользуемые и неэффективно используемые земли, вносит предложения в органы государственной власти на местах об их изъятии в установленном порядке и предоставлении для рационального использования, в том числе для осуществления предпринимательской деятельности;

на регулярной основе организует и проводит совместно с органами самоуправления граждан, правоохранительными органами системную работу по обеспечению целевого и эффективного использования земельных ресурсов, регулированию земельных отношений, своевременному предупреждению нерационального использования земель, ведет агитационно-разъяснительные работы.

Обращаясь к материалам практики, можно отметить, что органы осуществляющие государственный контроль за использованием и охраной земель, за последние годы выявили более пяти тысяч случаев нецелевого использования около 36 тысяч га. земель, предоставленных только для научных целей. Как стало известно, причиной выявленных нарушений явилось отсутствие четкой регламентации порядка предоставления и использования земель опытно – производственными, учебными и научно – исследовательскими сельскохозяйственными и другими учебными учреждениями и организациями. Кроме того, только в 2018 году выявлено 837 случаев самовольного захвата юридическими и физическими лицами 331,1 га.земель В данной ситуации особую тревогу вызывает, то, что из 6,2 миллионов объектов, зарегистрированных в Госкомземгеодезкадастре, более 890 тысяч оказались не учтенными в налоговых органах. И наоборот, около 13 процентов объектов, поставленных на учет в налоговых органах, не прошли кадастровой регистрации. В настоящее время наиболее эффективным признается государственный экологический контроль. Между тем, каждое государство, стремящееся к демократическому развитию, предпочтение отдает общественному экологическому контролю.

Отмечая необходимость совершенствования нормативно – правовых актов, обеспечивающих реализацию Закона «Об экологическом контроле», а также ужесточения санкций за нерациональное и неэффективное использование, а также охрану природных ресурсов, следует подчеркнуть, что настоящее время приоритет в экологическом контроле остается за государственными органами. Тогда как в Республике Узбекистан уже созданы все условия для участия общественности и каждого гражданина в контроле за соблюдением законодательства в бережном отношении и к земле и водам, и животному и растительному миру, а также снижению концентраций загрязняющих веществ в атмосферном воздухе и ликвидации как бытовых, так и промышленных отходов.

БУХОРО ВИЛОЯТИДА ТУПРОҚЛАР ДЕГРАДАЦИЯСИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ ТАДБИРЛАРИ ВА ТУПРОҚ МУХОФАЗАСИ.

Н.Н.Тўраева, М.О.Ядгарова
Бухоро Давлат Университети

Аннотатсия: Мақолада республикаимизнинг Бухоро вилоятида деградацияга учраган ерлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган тадбирлар,хусусан қишлоқ хўжалиги корхоналарини инновацион ёндашувлар асосида таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Эрозия, тупроқ емирилиши, дефляция, сув эрозияси,шамол эрозияси, ирригация, нураш,антропоген омил.

Ер юзи тупроқ қопламнинг охириги ҳолати биринчи навбатда кишилиқ жамиятининг фаолияти билан белгиланади. Инсон тупроқларга ижобий ва салбий таъсир кўрсатади. Инсон тупроқларнинг ҳосилдорлигини ошириш, ерларнинг ҳолатини яхшилаши мумкин. Шунинг билан бирга шаҳар қурилиши атроф муҳитнинг ифлосланиши агротехник тадбирларнинг талабга жавоб бермаслиги натижасида тупроқлар бевосита йўқ қилиниши, яроқсиз ҳолатга келиши, емирилиши мумкин. ҳозирги кунда тупроқлар майдонинг камайиши унинг тикланишидан минглаб марта тезроқ амалга ошмоқда.

Геоботаник изланишлар натижасига кўра вилоят бўйича **2066751,5** гектар яйлов ер майдонларидан деградацияга учраган майдон **273158,68** гектар ташкил қилди, бундан ташқари вилоят бўйича **584** та кудуқлар мавжуд бўлиб, шундан **365** таси ишчи ҳолатда, **117** та кудуқ тамирталаб ҳолатда, **219** та кудуқ умуман ишламаслиги аниқланди. Бундан ташқари **60** та янгидан кудуқлар лойихалаштирилган, мавжуд кудуқларнинг **26** таси табиий босим орқали, **333** таси дизил ёқилгиси билан, **6** та кудуқ куёш батарияси орқали ишламоқда.

Яйлов ўсимликлари ўртача 1,64 ц/га (15 йил олдин 2,1 ц/га бўлган) ташкил қилади, шундан яхши яйловлар ўртача 2,5-2,7 ц/га, ўрта ҳолатдаги яйловлар 1,6-1,9 ц/га, ёмон ҳолатдаги яйловлар 1-1,3 ц/га, деградацияга учраган қашшоқ яйловлар 0-0,2 ц/га ташкил қилади, 1-та майда шохли чорва мол бош сонига 3,2 гектар яйлов тўғри келмоқда (15 йил олдин 2,5 гектарга тўғри келган).

Вилоят бўйича 2,1 млн. гектар яйлов ер майдонларига ҳозирги кунгача 725 млн. сўм ягона ер солиги ҳисобланган. Ушбу яйлов ер майдонларининг 273 минг гектар деградацияга учраган майдонлар ҳисобига тўғри келади. Ҳозирги кунгача 1,0 гектар яйлов ер майдони учун 351 сўм солиқ ҳисобланмоқда. 2,1 млн гектар яйлов ер майдонларидан 273 минг гектар деградацияга учраган яйлов ер майдонлари ажратилганда 1,83 млн гектар ҳолати яхши яйловлар қолади.

1,83 млн гектар яйлов ер майдонларидан ҳосилдорлиги нисбатан юқори бўлган 364 минг гектар яйлов ер майдонларига ўртача 702 сўм, ўрта ҳолатдаги 718 минг гектар яйлов ер майдонларига ўртача 526 сўм, ёмон ҳолатдаги 711 минг гектар яйлов ер майдонларига ўртача 351 сўм килиб белгиланган ва деградацияга учраган 273 минг гектар яйлов ер майдонларига солиқ тўламаслик таклиф этилади. Мазкур табақалашган ҳолда солиқ ҳисобланганида вилоят бўйича жами ягона ер солиги 882 млн сўм (157 млн сўм кўп) ҳисобланади. Шунингдек, деградацияга учраган майдонлар учун бугунда тўланиши керак бўлган 95 млн сўм маблағ қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ўзига яйлов уруғчилигини ривожлантириш мажбурияти билан қолдириш таклиф килиш таклиф этилади.

Тавсифи						
Т/Р	Туманлар номи	МЧЖлар номи	Умумий ер майдони, га	Яйлов ва пичанзорлар жами, га	шундан	
					Яйлов, га	Деградацияга учраган майдон, га
1	2	3	4	5	6	7
1	Жондор	Амир Темур	285053,8	255293,02	231497,72	23795,3
2	Ғиждувон	Кўкча	284135,4	253728,2	221688,1	32040,1
3	Ромитан	Қувиравот	162942,4	161307,0029	144807,88	16499,12
4	Пешкў	Жонгелди	979293,64	812122,04	696435,47	115686,57
5	Шофиркон	Ғалаба	222523	109362	97558,55	11803,45
6	Қорақўл	Қорақўл	445603,46	265738,5	239240,05	26498,45
7	Олот	Олот	121833,1	103771,3	72739,61	31031,69
8	Қоровулбозор	Қоровулбозор	145898	105428,99	89624,99	15804
8	Вилоят жами:		2647282,8	2066751,053	1793592,4	273158,68

Бугунги кунда тўла қувват билан ишламай турган 117 та қудуқни қайта таъмирлаш ҳисобига амалда боқилаётган 350 минг бош майда шохли чорва моллари кафолатли сув билан таъминлашга ҳамда кўшимча 50 минг бошга кўпайтириш имконияти яратилади. Бундан ташқари янги қудуқларни қуриш ҳамда ишламай турган тамирталаб қудуқларни ишга тушуриш ҳисобидан кўшимча 250 минг бош майда шохли чорва молларини боқиш ва жами 650 мингга етказиш имконияти яратилади. Жумладан кўшимча 60 дона янги қудуқ қуриш ҳисобига 450 минг гектар яйловда 30 минг бош мавжуд ва бугунда ишламай турган 219 та қудуқларни қайта ишга тушуриш ҳисобига 700 минг гектар яйловда 220 минг бош майда шохли чорва молларини ўтлатиш имкониятига эришилади.

Деградацияга учраган 273 минг гектар яйлов ер майдонлари 2-3 йил дам бериб ўсимлик дунёси қайта тикланганда 78 минг бош майда шохли чорва моллари кўпайтириш имкони яратилади.

Вилоятдаги яйловларда учрайдиган доривор ўсимликлардан халқ табобати ва фармацевтика соҳаси билан ҳамкорликда кенг фойдаланиш имконияти мавжуд бўлган коврак (гижжа ва ўпка), исирик (шамоллаш, ичак ва бош огрик), шувоқ (ўткир гижжага қарши ҳамда овқат хазм қилишига ва ошқозон фаолиятини яхшилаш) касалликларини даволашда фойдаланиладиган доривор ўсимликлар учрайди. Ушбу доривор ўсимликларни йўқолиб кетишини олдини олиш ва қўпайтириш учун зарур лойиҳалар ишлаб чиқиш лозим. Бу ўсимликлардан олинадиган дори дармонлар ҳисобига чет элдан импорт ҳисобида олиниб келинаётган дори дармонлар ўрнини қоплаш ҳамда импорт учун сарфланадиган валютани тежаб қолиш мумкин.

Хулоса: Хулоса қилиб айтганда яроқсиз ерларни олдини олиш мақсадида тупроқ унумдорлигини муҳофаза қилиш, сув эрозияси ва дефляциядан муҳофаза қилиш, ер эрозияга учраган сугориладиган, лалмикор яйлов ерларнинг унумдорлигини ошириш каби муҳофаза шартларини амалга тадбиқ қилиш мақсадга мувофиқ келади. Тадбирларни бажариш йўналишида тупроқ хоссаларини ўрганиб чиқиш ўрганилаётган жойнинг табиий хўжалик, агротехник, ўрмон – мелиоратсиясинига оид гидротехник, инженерлик ҳаракатларини белгилаш лозим. Сўнгра жумла тадбирларини амалга оширишга киришиш мумкин. Тадбир мазмуни қуйидагиларидан иборат:

- Яйловларда ўсимлик қоплама қалинлигини ҳисобга олиб, мол боқишни тўғри ташкил қилиш:

- Молларни қўтанларда боқишини ташкил етиш:

- Эрозияга учраган қияликларда мол боқишни вақтинча тўхтатиш

Бундан ташқари яйловларга озукабоп экинлар экиш, минерал ва органик ўғитлардан кенг фойдаланиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. "Уздаверлойиха" давлат илмий-лойиҳалаш институти маълумотлари.

2. Бабажанов А.Р., Рўзиев С.Б., Усмонов Ю.А. Ердан фойдаланиш асослари. Т. ТИҚХММИ, 2017

МАРКАЗИЙ ФАРҒОНА ШЎРХОКЛАРИНИНГ ОҒИР МЕТАЛЛАР БИЛАН ИФЛОСЛАНИШИ МУАММОЛАРИ

Д.М.Холдаров, Ғ.Ғ.Шодиева, Ш.С.Ибрагимова

Фарғона давлат университети

Инсон фаолияти билан асрлар мобайнида иқтисодий жиҳатдан энг арзон ишлаб чиқариш қурилмалари ёрдамида оз маблаг сарф қилиб кўпроқ даромад олиш мақсадида турли саноат соҳаларни ривожлантириб келди. Бироқ, бу ишлаб чиқариш маҳсулотларининг чиқиндиларини табиат қўйнига дарё, денгиз, океанларга, тупроққа ва қуруқликларда ахлатхоналарга ташландиқ тарикасида тўкиб ташланди. Бу эса биосферадаги биологик мувозанатни бузилишига, баъзан ўсимлик ва ҳайвонот оламини қирилиб кетишига олиб келади ҳамда тупроқни экологик ҳолатини ёмонлаштирди.

Дунё миқёсида катта миқдорда ишлаб чиқилаётган токсикантлар, заҳарли моддалар ҳаракатдан тўхтамас миграция жараёнига учради. Бундай моддалардан айниқса ярим парчаланиш даври узок бўлган бирикмалар ва радиоактив элементлар, яъни уран, торий, радий кабилар энг ҳавфлидир.

Оғир металллар билан тупроқдаги ва литосферадаги кўплаб элементлар ўртасида богликлик бўлиб, литосферада қанча кўп элемент бўлса, тупроқда ҳам унинг миқдори кўп бўлиши кузатилади, аммо бу қонуният ўзгармас дейиш нотўғри хулосаларга олиб келади. Мисол тариқасида, литийнинг тупроқдаги ва литосферадаги миқдори ўзаро яқин, олтингугурт миқдори эса тупроқда кўп, никел, мис, рух литосферада кўпроқ миқдорда учрайди. Бунинг сабабларидан бири - кўплаб элементларни тирик организмларда ва ўсимликлар танасида тўпланиши улар нобуд бўлгандан сўнг эса микроэлементларнинг барчасини тупроққа тушишидир. Бу биофил ўсимликларда яқкол кўринади, улар ўсимликлар қулида литосферадагига ҳамда тупроқдагига нисбатан бир неча марта кўпдир. Мисол тариқасида Мо, Zn, Cu, В, I ларни келтиришимиз мумкин.

В.В. Ковальский микроэлементларнинг тупроқ она жинси, сув, тупроқдаги миқдорларига қараб биогеокимёвий ҳудудлаштиришни таклиф қилиб, оғир металллар ва токсик элементларни қўпайиши оқибатида тирик организмларда турли эндемик (шу ҳудудгагина мансуб) касалликлар пайдо бўлишини кўрсатиб берган. Бунда асосий сабаб бўлиб элементларнинг миграцияси ва ўсимлик тури роль ўйнайди.